Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 30 октябрь, шанба № 202—203 (21.554). Сотувда эркин нархда.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ФРАНЦИЯДА

**Париж, 28 октябрь. РАТА—ТАСС мухбири Сергей Батирев билан ЎзА махсус мухбири Лев Левин хабар қилади:**

Бугун Франция пойтахтининг асосий кўчалари ва майдонларида Ўзбекистон ва Франция давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Президент ҳамда Бош вазир боргоҳлари — Елисей ва Матиньон саройлари ҳам давлат байроқлари билан безатилган. Улар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бу мамлакатга ташрифи давом этаётганини эслатади. Ислом Каримов ташрифининг биринчи кунида Франция Президенти Франсуа Миттеран ва Бош вазир Эдуард Балладюр билан суҳбатлашди, Елисей саройида янги Европанинг Париж хартиясига имзо чекди. Бу эса Ўзбекистоннинг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгашига қўшилганини билдиради. Шунингдек, Франция билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, бир қанча ҳукуматлараро битим ҳам имзоланди.

— Бугун биз катта аҳамиятга молик ҳужжатларни имзоладик, деди Франция Президенти Франсуа Миттеран Елисей саройидаги ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин сўзга чиқиб. Шу тариқа биз муносабатларимизда янги даврни бошладик. Франсуа Миттеран уч-тўрт ойдан сўнг Ўзбекистонга жавоб ташрифи билан боришини айтди. Қадимий маданият ва тарихга эга бўлган Ўзбекистон жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган. Бу мамлакат билан муносабатларни ривожлантиришга Франция катта аҳамият бермоқда, деди Ф. Миттеран Барча ишларингизда сизга муваффақият тилаймиз.

Ўзбекистон сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида Франция билан дўстона муносабат ўрнатишга ҳаракат қилмоқда, деди Ислом Каримов жавоб нутқида. Бугун имзоланган ҳужжатлар тарихий аҳамиятга эга, деди у. Бу ҳужжатлар яқинда мустақиллигининг икки йиллигини нишонлаган ёш Ўзбекистон Республикаси билан Франция каби буюк давлат ўртасида ҳамкорлик қилиш учун янги истиқболлар очади. Улар, шунингдек, ўзаро манфаатдорлик асосига қурилаётган давлатлараро тенг ҳуқуқли муносабатларнинг намунасидир, деди Ўзбекистон Президенти. Бу бошқа кўп давлатлар раҳбарлари учун яхши намуна бўла олади, деб давом этди у. Мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган тадбирлар амалга оширилибгина қолмай, кейин ҳам давом этаверади, деб умид қиламан. Сиз Ўзбекистонга ташриф буюрадиган вақтгача ҳамкорлигимизни кенгайтирадиган ва чуқурлаштирадиган янги ҳужжатларни тайёрлаб қўямиз. Ўзбек халқи француз халқига, унинг ўтмишига ва ҳозирги кунига зўр ҳурмат билан қарайди, Франция билан ҳамкорлик қилиб, ўз олдига қўйган мақсадларга эришажагига ишонади.

Ўзбекистон Президенти шу куни Франция Бош вазири Эдуард Балладюр, ташқи ишлар вазири Ален Жюппе билан суҳбатлашди Кечқурун Франция Президенти мўътабар меҳмон шарафига зиёфат берди.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи, деди Франция Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Ришар Дюке журналистлар билан суҳбатда, иккала мамлакатга ўзаро муносабатларни чинакамига бошлаб юбориш ва унинг доираларини белгилаш имконини беради. Ўзбекистоннинг «Ўрта Осиёда тутган ўрни эътиборга олинса, у Франция учун муҳим ҳамкордир», деб таъкидлади Франция вакили. Унинг сўзларига қараганда Ислом Каримовнинг француз раҳбарлари билан суҳбатида бу минтақадаги аҳволга, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тадрижий тараққиёти истиқболларига кўпроқ эътибор берилади.

Ташриф чоғида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масаласи асосий мавзулардан бири бўлади. Франция мутахассисларининг фикрича, бундай ҳамкорлик имкониятлари жуда катта. Гап, аввало, энергетика, авиация транспорти, телеалоқалар, деҳқончилик-саноат мажмуи, тўқимачилик саноати каби тармоқлар ҳақида бормоқда. Эътироф этилганидек, иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми, афсуски, жуда кам: ўтган йили Ўзбекистоннинг Францияга сотган маҳсулоти ҳажми 230 миллион франк, Франциянинг экспорт ҳажми эса атиги 30 миллион франк бўлди.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар, хусусан тилшунослик ва археология мутахассислари ўртасидаги мулоқотлар ривожланиб бормоқда. Яқинда Тошкентда Франциянинг Марказий Осиёни ўрганиш маркази очилди.

Франция бошқа соҳаларда ҳам, хусусан мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр, деб таъкидлади Ташқи ишлар вазирлиги вакили.

Ўзбекистон Президентининг Францияда бўлиши дастурида миллий мажлис ва сенат раислари Филипп Сегэн, Рене Монори, савдо-саноат доираларининг намояндалари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Президентининг Францияга ташрифи шанба куни ниҳоясига етади.

• • •

**Париж, 29 октябрь.** Франция Президенти Франсуа Миттеран, Бош вазир Эдуард Балладюр, Ташқи ишлар вазири Ален Жюппе билан суҳбатимиз чоғида Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш муаммоларини, Тожикистон ва Афғонистондаги аҳволни МДҲ аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни муҳокама қилишга катта эътибор берилди, деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов РАТА—ТАСС мухбирининг саволига жавобан.

Ислом Каримовнинг сўзларига қараганда, Франция раҳбарлари билан суҳбат чоғида МДҲ мамлакатларининг кўпчилиги томонидан яқинда тузилган иқтисодий иттифоқ келажаги- «рубль зонаси» амал қилиши билан боғлиқ муаммолар, МДҲдаги иқтисодий жиҳатдан бир-бирига яқинлашиш истиқболлари батафсил муҳокама қилинган.

Лекин, асосий эътибор Франция билан Ўзбекистон ўртасида барча соҳада ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди, деб таъкидлади у. Мазкур ташриф чоғида мислсиз ҳужжатлар, яъни Франция билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, махсус битимлар имзоландики, улар шу ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши лозим, деди Ислом Каримов.

Бугун Ислом Каримов Париж мэрияси — ҳокимлигида бўлиб, Миллий Мажлис раиси Филипп Сегэн билан учрашди ва суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президентининг журналистлар билан суҳбати Франциядаги етакчи банклардан бири — «Креди комерсьяль де Франс» банки қароргоҳида муддаолар ҳақидаги битим имзолангандан сўнг бўлиб ўтди. Бу битимда мазкур банк Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш лойиҳасини пул билан таъминлашини кўзда тутади. Заводни Франциядаги «Текнип» фирмаси қуради.

Биз ҳозир «Креди комерсьяль де Франс» (ССФ) банки билан ҳамкорлигимизни ривожлантириш йўлида янги муҳим қадам қўйяпмиз, деди Ислом Каримов битимни имзолаш маросимида. ССФ анча вақтдан буён Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларида ўзаро ҳисоб-китоб қилишни таъминлаб келмоқда. Бугун биз француз банки ҳамкорликдаги дастлабки саноат лойиҳасини пул билан таъминлаш ҳақида келишиб олдик. Ўзбекистоннинг шу банкка қўйган маблағи бу ҳамкорлик учун кафолатдир. Нефтни қайта ишлаш заводи биз учун жуда зарур, заводни қуриш эса лойиҳа билан боғлиқ. Бу лойиҳани биз Франциядаги «Элф—акитэн» нефть—химия концерни, шунингдек, бошқа кўпгина компаниялар билан биргаликда амалга оширмоқчимиз.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон хорижий сармоядорларга қандай кафолат бера олиши мумкин, деган саволга жавобан мамлакатда вазият барқарор ва хавфсиз эканини таъкидлади. Ўзбекистондаги аҳвол собиқ СССРдаги бошқа республикаларда мавжуд вазиятдан, жумладан, Россиядаги вазиятдан барқарорлиги ва хавфсизлиги билан фарқ қилади. Бундан ташқари, Ислом Каримов республика табиат ресурсларига бойлигини, хусусан, пахта етиштириш жиҳатидан жаҳонда тўртинчи ўринда ва олтин қазиб чиқариш бўйича саккизинчи ўринда туришини эслатди. Республиканинг олимлари, илмий салоҳияти, қудратли энергетика базаси ҳам катта бойлик ҳисобланади, буларнинг ҳаммаси хорижий сармоядорларнинг диққатини жалб этмоқда, деди Президент. Ислом Каримов, шунингдек, республикада хорижий ишбилармонлар учун ҳуқуқий негиз ва кафолат яратилганига, бу эса уларнинг фаолиятига қулай шарт-шароитни вужудга келтиришига эътиборни қаратди.

(ЎзА).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### 1993 ЙИЛНИНГ 1 НОЯБРИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол моллари ва хизматларнинг нархлари ўсиб бораётган шароитда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

Иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 16.200 сўм қилиб белгиланиб, иш ҳақи ўртача 1,2 баравар оширилсин.;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 16.200 сўм миқдорида белгилансин;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 17.550 сўм қилиб белгилансин, ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг техникумлар ва ҳунар техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар кўпайтирилсин, шу билан бирга талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3 .Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар ушбу Фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ходимларнинг мансаб окладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги мазкур Фармонга мувофиқ пенсиялар миқдорлари қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга мазкур Фармонга мувофиқ даромад манбаларини қидириб топишга қараб, даромад манбалари вақтинча етишмай қолган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсадни кўзлаб берадиган кредитлар ҳисобидан меҳнат ҳақини ошириш тавсия қилинсин.

7. Ушбу Фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 октябрь.

*1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганига икки йил тўлади*

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БАРЧА АЪЗОЛАРИГА

## ТАБРИКНОМА

Азиз дўстлар! Сизларни партиямизнинг ташкил топганига икки йил тўлиши муносабати билан чин кўнгилдан табриклаймиз.

Ўтган йиллар ХДП учун шаклланиш, оёққа туриш ва жамиятда ўз ўрнини топиш йиллари бўлди. Шу давр ичида ташкилотларимиз партиямизнинг дастурий ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилдилар, ўзларининг амалий ишлари билан халқ орасида обрў-эътибор қозондилар. Уларнинг фаол иштирокида мустақил Ўзбекистонда туб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар содир бўлмоқда, ёш давлатимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўринни эгалламоқда.

Шу билан бирга мамлакатимиз тараққиётининг янги палласига кираётган ҳозирги пайтда партиямиз олдида янада мураккаброқ ва шарафлироқ вазифалар турибди. Биздан, энг аввал, дастурий мақсадларимизни, республикамиз Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримов бошчилигидаги ҳукуматимиз сиёсатини ҳар бир фуқарога етказиш, уларни ҳаётга татбиқ этишга бевосита ҳисса қўшиш талаб этилади. ХДП аъзоларини, улар қаерда ишламасинлар — дастгоҳ олдидами, далада, фермада, ўқув юрти ёки илм масканидами — ҳамма ерда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, халқ хўжалиги, илм-фан, маданиятни ривожлантиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда, ёшларни муқаддас Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда, юртимиз осойишталигини, халқларимиз тотувлигини сақлаб қолишда бошқаларга ибрат бўлишга даъват этамиз.

Ана шунда биз партиямизга сидқидилдан хайриҳоҳ бўлганлар сонининг кўпайиб боришига, унинг жамиятдаги нуфузи ошишига эришишимиз мумкин.

Қадрли сафдошлар!

Жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятимиз билан халқимизни хурсанд қилайлик! Куч-ғайратимизни гуллаб-яшнаётган қудратли мамлакатни, адолатли давлатни бунёд этишга қаратайлик!

Бу эзгу мақсадларни амалга ошириш борасидаги ишларингизга ривож, ўзларингизга сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлар академияси сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий-тадқиқот институти жамоаси яқинда деҳқонларимиз учун қулай бўлган янги ишланмани яратишди. Бу технология ҳосилни табиий зараркунандалардан сақлашда жуда қўл келади Натижада ҳосилнинг кўплаб қисмини сақлаб қолиш ҳамда экологик тоза маҳсулотлар етиштириш таъминланади.

СУРАТДА: Биотехнология лабораторияси лаборанти Ҳалима ЮСУПОВА.

Н. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

*• Мустақиллик уфқлари*

## «АГАМА»НИ ЖАҲОН ТАНИЯПТИ

- **Франция фирмаси оталиғидаги корхона.**
- **Хориж технологияси қўлланилгач.**
- **Валюта ишлаш имконияти.**
- **Иш ўринлари кўпаймоқда.**

Сарҳадсиз Қизилқум қўйнида бунёд этилган Зарафшонни олтинтопарлар, кончилар шаҳри сифатида яхши биламиз. Бироқ бу шаҳарда шундай корхоналар борки, чет эллик ман-ман, деган фирмалардан асло қолишмайди. Бу «Агама» қўшма корхонасидир. Бу корхонанинг ишга тушганига эндигина икки йил тўлаяпти. Бироқ шу қисқа вақт мобайнида мазкур корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ўта харидоргирлиги жиҳатидан нафақат ҳамдўстлик мамлакатларида, балки хорижда ҳам довруғ таратди. Бунинг боиси бор албатта. Чунки корхона тўла чет элда ишлаб чиқарилган энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Йигирув-тўқув ва тикув дастгоҳларига Германия, Италия, Швейцария, Англия, Франция каби йирик Ғарб давлатларининг тамғаси босилган. Франциянинг «Клёкнер» тижорат-воситачилик фирмаси «Агама»нинг бош ҳомийсидир. Аниқроғи қўшма корхонанинг дунёга келиши учун худди шу фирма жамоаси бош-қош бўлди. Франциялик ишбилармонлар Навоий тоғ-металлургия комбинати муҳандислари билан мол айирбошлаш юзасидан шартнома тузишди-ю, ишлар янада юришиб кетди.

Қувончлиси, бу мазкур корхона учун зарур бўлган хом ашёнинг маҳаллий шароитда мўл-кўллигидир. Масалан, Зарафшон шаҳрига яқин бўлган Учқудуқ, Томди туманлари қоракўлчиликка ихтисослаштирилган. Корхона учун керакли бўлган қўй териси, етарли. Бунинг устига Навоийдаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган «нитрон» сунъий толаси, Бухоро ип-газлама комбинатидан чиқадиган калава иплар ҳам тайёр хом ашёдир. Шунингдек Украина ва россияликлар ҳам корхонага жун калавалар юбориш юзасидан шартнома тузишган.

**Ш. МУЗАФФАРОВ.**

## МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ М. М. РАСУЛОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» БОШ МУҲАРРИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ**

Савол: — **Маҳмуджон Мўминович! Суҳбатимиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг икки йиллиги арафасида бўлиб ўтаётир. Сал олдинроқ биз Мустақиллик кунининг икки йиллигини нишонлаган эдик. Шу икки сана ўртасида боғлиқлик нимадан иборат?**

М. Расулов — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан буён икки йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Халқимиз Мустақиллик байрамини иккинчи марта тантанали нишонлади. Истиқлол туфайли ўзимизнинг миллий ҳаёт тарзимизни тиклаш, ўз меҳнатимиз билан, мавжуд моддий ва маънавий бойликлардан, жаҳон тажрибасидан оқилона фойдаланиб, қудратли Ўзбекистонни бунёд этишга имкониятлар туғилди.

Табиийки, бундай улуғвор мақсадга эришиш учун мамлакатимизда янги сиёсий кучларнинг пайдо бўлиши талаб этилади. Чунки, эски тузумдан қолган тузилмаларнинг имкониятлари тугаган, нуфузи тушиб кетган эди.

Ана шу ҳаётий заруратни бошқаларга нисбатан яхшироқ ва олдинроқ идрок этган Республикамиз Президенти И. А. Каримов Халқ демократик партиясини тузиш ташаббуси билан чиқди.

1991 йилнинг 1 ноябрида бўлиб ўтган Таъсис қурултойида янги партия тузилганлиги эълон қилинди, унинг Дастури ва Низоми тасдиқланди.

Шу маънода Ўзбекистон Халқ демократик партияси — Мустақилликнинг илк меваларидан биридир. Ўз навбатида, партиямиз мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда адолатли,



демократик жамиятни барпо этиш йўлидаги барча саъйи ҳаракатларни қўллаб қувватламоқда.

Савол: — **Айтингчи, ўтган икки йил ичида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлардан ва Халқ демократик партиясининг уларда иштирокидан қониқиш ҳосил қилдингизми?**

М. Расулов — Икки йил ниҳоятда қисқа муддат. Лекин ҳаётда баъзан шунақа дамлар бўладики, ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан кунлар йилларга тенглашадилар. Мустақиллигимиз эълон қилингандан буён ўтган давр ҳам худди шундай аҳамиятга эга.

Республикамиз раҳбарияти мамлакатимизнинг аҳволини, халқимизнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда «янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» қабилида иш тутмоқда. Биз бозор муносабатларига ўтишда «карахт қилиб даволаш» усулини қабул қилмадик. Бозор муносабатларини аста-секинлик билан, босқичма-босқич жорий этмоқдамиз. Иқтисодий қийинчиликларга дуч келган аҳолини, хусусан, унинг моддий муҳтожлик сезаётган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мустақил мамлакатимизнинг биринчи Конституцияси ва ўнлаб янги қонунлар қабул қилинди. Халқимиз барча моддий ҳамда маънавий бойликларнинг хўжайини, энг муҳими, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ва тараққиёт йўлини танлаш имкониятига эга бўлди. Маънавий қадриятларимизни тикламоқдамиз. Юртимизда етишиб чиққан буюк алломаларнинг бой мероси халқимизнинг ноёб мулкига айланмоқда. Амир Темур ва Мирзо Улуғбекка Тошкентда ҳайкал қўйилиши, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги нишонланиши ҳаммамизда катта таассурот қолдирди.

Мустақил Ўзбекистон қисқа вақт ичида жаҳонга танилди, Шарқу Ғарб давлатлари билан расмий алоқалар ўрнатди, иқтисодий, маданий муносабатларни ривожлантирмоқда. Ўнлаб халқаро ташкилотлар мамлакатимизга ўз эшикларини очдилар. Шу йил сентябрь ойида Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 48 сессиясида нутқ сўзлади.

(Давоми иккинчи бетда).

# МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ушбу ўзгаришларнинг барчасида Ўзбекистон ХДП аъзоларининг ҳам улуши бор. Лекин, ишларимиздан тўла қониқиш ҳисси менда йўқ, чунки, камчиликларимиз ҳам ҳали кўп, барча ташкилотларимиз бирдай фаол ҳаракат қилмаяптилар, олдинда бизни мураккаб вазифалар кутмоқда.

Савол: — **И. А. Каримов «Труд» газетаси саволларига жавоб берар экан, бирон-бир жиддий давлат раҳбари сиёсий кучга таянмай ишлай олмайди, деган эди. Бу ўринда Президентимизнинг ўзи Раис бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси назарда тутиляпти, албатта. Юртбошимизга партия қандай таянч бўлмоқда?**

М. Расулов: — Ҳар қандай партия муайян манфаат ва мақсадлар негизида уюшган кишиларнинг сиёсий ташкилотидир. Кўзланган мақсадни рўёбга чиқариш учун партия қонуний йўл билан ҳокимиятни қўлга киритишга интилади ва ғалаба қозонган тақдирда, давлат ва ҳукумат идораларидаги масъул лавозимларга ўз одамларини қўйишга ҳаракат қилади. Маълумки, мамлакатимиз тарихида биринчи чинакам демократик, муқобил асосда ўтказилган сайловларда бизнинг номзодимиз — партиямиз Раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

У давлат раҳбари сифатида ҳукуматга, ҳокимларга, маҳаллий ҳокимият идораларига таяниб, мамлакатни бошқармоқда. Улардаги кўпчилик ходимлар эса партиямиз аъзоларидирлар. Олий ва маҳаллий кенгашларда ҳам партиямиз аъзолари кўпчиликни ташкил этиб, Президент сиёсатини амалга ошириш учун имкониятлар яратиб берувчи омил бўлиб хизмат қилмоқдалар. Айни пайтда, партиямизнинг Марказий ва маҳаллий ташкилотлари республика раҳбариятини фармон ва қарорларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиб, ХДП аъзолари бўлган масъул ходимларнинг ахборот ва ҳисоботларини тинглаб, юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлаш сиёсатини амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Савол: — **Республикамиз Президенти кейинги пайтларда, масалан, Сирдарё вилояти халқ депутатлари кенгашида сўзлаган нутқида раҳбар кадрлар масаласига катта эътибор бермоқда. Партия ҳам бу муҳим масалага бефарқ бўлмаса керак?**

М. Расулов: Мамлакатимиз раҳбар кадрларнинг аксарияти ХДПнинг аъзоларидирлар. Уларнинг кўпчилиги қалб амри билан партиядек қудратли кучга суянган ҳолда халққа яхшироқ хизмат қилай, зиммамга юклатилган вазифаларни рисоладагидек адо этай, деб бизнинг сафларимизга қўшилганлигига ишонаман. Бизда ўзининг тадбиркорлиги, ишнинг кўзини яхши билиши, серунум меҳнати, қолаверса, партияга ибратли муносабати билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган Наманган ва Хоразм вилоятлари, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг раҳбарлари бор.

Лекин, афсуски, ҳамма раҳбарларимиз ҳам шундай эмас. Юртбошимизнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашида сўзлаган нутқида халқнинг дардини яхши тушунадиган, фидойи раҳбарларнинг етишмаслиги ҳақида куйиниб гапирганининг боиси ҳам шудир. Баъзан, раҳбарлик курсисига ўтиргандан кейин боши айланиб, ўз партиясини унутиб қўяётган, унга суяниш у ёқда турсин, партия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишдан ўзини олиб қочаётган раҳбарлар ҳам учраб туради. Мана шу касалга чалиниб, халқ назаридан тушиб қолаётган, раҳбарлик лавозимларидан четлаштирилаётган кишилар ҳам йўқ эмас.

Бундан биз партиямиз давр талабларига тўла жавоб берувчи билимли, ишчан, фидойи, ватанпарвар кадрларни тарбиялашга эътиборни қаратиш лозим эди, деган хулоса чиқардик ва ана шу соҳада қилинадиган ишлар хусусида режалар тузаяпмиз. Ҳозирча хамир учидан патир деб, партия раҳбар ходимларини ўқитиш марказини ташкил этдик. У яқинда иш бошлаб, шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котибларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқитишга киришди.

Савол: — **Қонунга биноан сиёсий партиялардан ҳоли этилган давлат идоралари, хусусан, маъмурий органлар раҳбарларига ХДПнинг таъсири борми?**

М. Расулов: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасаларида ташкилотларимизнинг бўлмаслигидан улар партиямизнинг сиёсати таъсири доирасидан четда қолишлари керак, деган хулоса чиқармаслик лозим. Республикамиздаги барқарор вазиятни сақлаш ва тартиб-интизомни таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идораларининг муайян ҳиссаси бор. Фуқароларнинг тинчлиги, хавфсизлиги, кайфияти шу органларнинг фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун биз уларнинг ишига, айниқса, хато ва камчиликларига бефарқ бўла олмаймиз.

Президентимизнинг ташаббуси билан йил бошида жиноятчиликка қарши кенг кўламда кураш бошлангани маълум. Лекин, сўнгги пайтда бу курашнинг кескинлиги бирмунча пасайиб қолди.

Юртбошимиз Сирдарё вилояти сессиясида таъкидлаганларидек, ушбу соҳа ходимларидан айримлари қонунни бузувчиларга нисбатан шафқатсиз бўлиш, фуқароларни ҳимоя қилиш ўрнига ўзлари нопоклик йўлига ўтганлар.

Афсуски, бизнинг айрим маҳаллий ташкилотларимиз бу ҳақда ўз фикрларини вақтида аниқ билдирмаяптилар, қатъий партиявий нуқтаи назарларини айтмаяптилар.

Бу камчиликлардан қанчалик тез қутулсак, фуқароларимизнинг ҳаёти шунча тинч ва хавфсиз бўлади.

Савол: — **Мамлакатимизнинг, партиянинг истиқболи ёшларга, уларнинг тарбиясига берилаётган эътиборга боғлиқ, десак хато бўлмас. ХДПнинг ушбу масалага ёндошуви тўғрисида маълумот берсангиз.**

М. Расулов: Жуда ўринли савол. Дарҳақиқат, раҳбар кадрларни тайёрлаш ёшлар масаласи билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ёшлар орасида ишлаш, энг муносиб йигит-қизларни ўз сафларига тортиш, уларнинг куч-ғайратларидан халқимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш масаласи ХДП ташкил топган кунлардан бошлаб унинг диққат марказида туриб келмоқда.

Айримларнинг тасаввурида гўёки бизнинг партиямиз ёшини яшаб, ошини ошаган фахрийлар партияси эмиш. Биз ёши улуғ партия аъзоларининг ҳурматини жойига қўйиб келаяпмиз, улар бизнинг фахримиз, маслаҳатгўйларимиз, уларнинг ҳаётий сабоқларини, ўгитларини қадрлаймиз. Лекин, ХДП сафларида улар атиги 8 фоизни ташкил қиладилар, холос. Бир мисол. Шу йилнинг 9 ойи ичида ХДПга қабул қилинган 27 минг кишининг 50 фоизи ёшлардир. Партиямиздаги раҳбарларнинг мутлақ кўпчилиги — турли даражадаги кенгашларнинг аъзо ва котиблари, шу жумладан, биринчи котибларнинг аксарияти ҳам ёшлар.

Шундай бўлса-да, ҳаёт биздан ёшлар билан яхшироқ ишлашни талаб этмоқда. Бунга жавобан Марказий Кенгаш аппаратида ёшлар билан шуғулланувчи махсус шўъбани тузмоқчимиз. Партиямиз билан республика Ёшлар Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзоланган. Бундай шартномалар кўплаб вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам амалда.

Лекин очиғини айтиш керак, бу жабҳада камчиликлар, қилинмаган ишлар, фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Ана шуларни ҳисобга олиб, Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси билан қўшма пленум ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Ҳар ҳолда, бу муҳим соҳани унутиб қўймаганмиз, деб айтишим мумкин.

Савол: — **Партия Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган VIII пленумида миллий истиқлол мафкурасига доир ҳужжат лойиҳаси қабул қилинди. Шу ҳақдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

М. Расулов: Марказий Кенгаш кейинги пайтларда мафкура масалаларига жиддий эътибор бермоқда. Албатта, биз оммавий-сиёсий ишлар билан ХДП тузилганидан буён муттасил шуғулланиб келяпмиз. Кўпгина маҳаллий ташкилотлар бу борада яхшигина тажриба орттирдилар. Лекин, партияни тузиш, унинг тузилмаларини шакллантириш, долзарб масалалар бўйича ХДПнинг сиёсатини ишлаб чиқиш даврида бу соҳага эътибор етарлича бўлмаганди. Шуларни ҳисобга олиб, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси маҳаллий ташкилотларга тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришни тавсия этди.

Президентимизнинг миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш тўғрисидаги даъватига жавобан Марказий Кенгаш қошида олимлар, партия ходимлари ва турли соҳаларнинг мутахассисларидан иборат комиссия тузилди. Комиссия партиянинг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари ҳақидаги ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқди ва у МК VIII пленуми қарори билан умумпартиявий муҳокамага қўйилди. Ҳужжатни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури ва Низоми, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, И. А. Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари ҳамда миллий ва умумбашарий қадриятларга таянилди.

Унда партиямизнинг жамиятда тутган нуфузли ўрнидан ва мамлакатдаги етакчи сиёсий куч сифатида эътироф этилганлигидан келиб чиқиб, туб сиёсий мақсадларимиз ифода этилди. Бизнинг мафкурамиз ўз моҳияти билан барча миллат ва элатларни бирлаштирувчи, Ватанимизни севишга даъват қилувчи, дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликни тараннум этувчи байналмилал мафкурадир. У миллий руҳ, Шарқ, хусусан, ислом фалсафаси қадриятлари билан суғорилгандир.

Миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи тўртта асосий соҳа — иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий йўналишлардан келиб чиқилди. Шунингдек, мафкурамиз мақсадларини ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий йўллари ва воситалари, яъни механизми белгиланди. Ҳозир партия ташкилотларида, матбуот саҳифаларида, ХДП аъзолари, партиясиз фуқаролар шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Турли таклифлар киритмоқдалар. Уларнинг асосида лойиҳа бойитилиб, тўла пишиб етилгандан сўнг, у партиянинг тегишли органи томонидан қабул қилинади.

Савол: — **Ўзбекистон Олий Кенгашининг сўнгги, XIII сессиясида Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонун дастлабки тарзда қабул этилиб, лойиҳа умумхалқ муҳокамасига чиқарилди. Ушбу масалага партиянинг муносабати қандай?**

М. Расулов: Парламент фаолияти биз учун биринчи даражали ишдир. Чунки, давлатимиз олий қонун чиқарувчи органига таянмай, партиямизнинг дастурий ғояларини амалга ошириш мушкул. Олий Кенгашдаги депутатлик гуруҳимиз қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишда фаол қатнашмоқда. Масалан, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини қабул этишда унинг ҳиссаси бор.

Партиямиз Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида фаол қатнашиш билан бирга бўлажак сайловларга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Барча сайлов мавзеларида ХДПнинг бошланғич ташкилотларини шакллантириш, партия кенгашлари ҳузурида тарғибот—ташвиқот гуруҳларини ҳозирдан тузишга ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Партиямиз сайловолди дастурини ишлаб чиқиш ниятидамиз.

Савол: — **Партия олдида турган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш, биринчи навбатда, унинг тузилмаларини турли бўғинларида ишлаётган ходимларга, шу жумладан, раҳбарлар фаолиятига боғлиқ эканлиги сир эмас. Жойлардаги партия кенгашлари котибларининг иш услуби, фаолиятининг натижалари ва, ниҳоят, мавқеи Сизни қониқтирадими? Яна қайси хислатларни уларда кўришни истар эдингиз?**

М. Расулов: Партиямизнинг сайланма органларига сайланган, Марказий ва маҳаллий кенгашларида, бошланғич ташкилотларида меҳнат қилаётган ўртоқлар орасида билимли, партиявий ишнинг сир-асрорларини яхши биладиган, зиммасига юклатилган масъулиятни ҳис этадиган, жонкуяр, фидойи ходимлар кўпчиликни ташкил этади, десам муболаға бўлмайди.

ХДПнинг интеллектуал салоҳиятини кўрсатувчи қуйидаги рақамларга эътибор беринг. Марказий Кенгаш таркибига 20 дан ортиқ академик, фан докторлари ва профессорлар сайланган. Унча катта бўлмаган Марказий Кенгаш аппаратининг ўзида уч нафар фан доктори ва етти нафар фан номзоди меҳнат қилмоқда. Бу имкониятларимиз янада ҳам кенгаяди, деб ўйлайман. Чунки, адиблар, хотин-қизлар, тадбиркорлар, олимлар, умуман, ижодий зиёлилар билан алоқаларимиз кенгаймоқда. Мисол тариқасида яқинда республика Фанлар академияси билан биргаликда фан кунларини ўтказганимизни эслаш мумкин.

Маҳаллий партия ташкилотларида ишлаётган ўртоқларнинг олиб бораётган ишлари, халқ ўртасидаги обрў-эътиборлари, ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар билан амалий алоқалар ҳар жиҳатдан ибратлидир. Улар бошчилик қилаётган ташкилотларнинг мавқеи баланд, одамларга, ижтимоий ҳаётга таъсири кучли.

Лекин, афсуски, замонавий иш услубларини эгаллай олмаган, эртадан кечгача машинада юриб ёки фақат кабинетда ўтириб, телефон орқали раҳбарлик қилмоқчи бўлган котиблар ҳам учраб туради.

Ҳар бир раҳбар, у қайси лавозимда ишламасин, имонли-эътиқодли, ҳалол-пок, виждонли, ориятли, камтар, билимли, ташаббускор, ишга ижодий ёндашувчи, одамлар билан муомала қилиш маданиятини эгаллаган, ҳақиқий ватанпарвар бўлиши керак, деб ўйлайман. Шунинг билан бирга уларда инсонпарварлик, ўртоқларга садоқат, камчиликларга нисбатан муросасизлик фазилатларининг мужассамлашишини истар эдим. Ана шунда нуқсонлар камайиб, ишларимиз янада самаралироқ бўлади.

Савол: — **Сиз мустақил мамлакат етакчи партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби сифатида қайси хорижий давлатларга бориб келдингиз, чет элдаги сиёсий партиялар тажрибаси билан танишдингиз?**

М. Расулов: — Мен Германия, Ҳиндистон ва Хитойга расмий ташриф буюрган партиямиз делегацияларига бошчилик қилдим. Германияда дунёдаги тўнғич сиёсий партиялардан бири — Германия социал демократик партиясининг бой тажрибаси ва унинг мамлакатдаги юксак мавқеи билан танишдик.

Ҳиндистонда деярли мамлакат мустақилликни қўлга киритгандан буён ҳокимият тепасида турган Миллий Конгресс (И) партиясининг тажрибаси ҳам биз учун фойдалидир. Хитойда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши бизда яхши таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ХДПнинг мазкур партиялар даражасига кўтарилиши учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз, унинг мамлакатда ва чет элларда нуфузини оширишимиз зарур.

Савол: — **Ўтган икки йил давомида таъсис қурултойида тасдиқланган ХДП Дастури синовдан ўтди, дейиш мумкинми?**

М. Расулов: — Ҳақиқатдан ҳам Дастуримиз ўзининг мазмуни пишиқлиги, замонавийлиги билан синовдан асосан муваффақиятли ўтди, десак бўлади. Республикамиз раҳбарияти изчиллик билан амалга ошираётган чуқур ислоҳотлар бизнинг дастурий ғояларимизга тўла мосдир.

Шу билан бирга мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олиб, Дастуримиз ва Низомимизни тўлдириш, бойитиш зарурати туғилди. Бу муҳим ишни яқин келажакда амалга ошириш ниятидамиз.

Савол: — **Суҳбатимизнинг охирида анъанавий савол: Халқ демократик партияси аъзоларига қандай истакларингиз бор?**

М. Расулов: — Деярли 350 мингга яқин сафдошларимизни, бизга хайриҳоҳ бўлган, сиёсатимизни қўллаб-қувватлаётган барча дўстларни ХДП ташкил топган куннинг икки йиллиги билан Сиёсий ижроқўм номидан табриклайман. Улғайиш палласига кирган партиямиз олдида жамиятдаги тўлақонли етакчи сиёсий кучга айланиш, ўз Дастурида эълон қилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришдек тарихий вазифалар турибди. Уларни амалга оширишга қаратилган барча саъйи-ҳаракатларимиз баракали, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

---

# МЕҲРИМИЗНИ АЯМАЙМИЗ

Аҳолини истиқомат жойларида оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни амалга оширишда ҳудудий партия ташкилотларининг хизмати катта эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Эндиликда маҳалла аҳолиси арзимаган шикоят ёки таклиф билан шаҳар ҳокимлиги қабулхонасига бормайди. Бу масалаларнинг аксарияти партия ташкилотимизнинг ўзида ҳал этиляпти. Негаки, аъзоларимиз сафида шаҳар ҳокимлиги ва бошқа турли хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари бор.

Албатта, ҳамма оғирликни уларнинг зиммасига юклаб қўймаймиз. Партия йиғилиши қарорларидан бир нусхасини тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарларига ҳал этиш учун юборамиз.

Партия ташкилотимиз турли маросимларни ўтказишда ҳам бош-қош.

Ҳудудий ташкилотимиз хонадонларни газлаштиришни тезлаштириш, маҳаллаларни ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор бераётир. Тўйларни камчиқим ўтказишга чорлаяпмиз. Нафақахўр қариялар аҳволидан мунтазам хабар олиб турибмиз. Байрам кунлари уларнинг кўнгилларини қўлдан келганча кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Бу тадбирлар одамларда партия ташкилотимизга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда, меҳрини оширмоқда. Бундан буён ҳам мурувватимизни, меҳримизни аямаймиз.

**Рустам НОРМАТОВ,**
**Ҳаққулобод шаҳридаги «Ғалаба» маҳалла ҳудудий партия ташкилоти котиби.**

# МЕН НЕГА ПАРТИЯ САФИГА КИРДИМ?

## ҲУРМАТ НАМУНАСИ

Нима учун партияга кирдим? Нега энди айнан Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси бўлишликка жазм этдим? Ёки бу партиянинг бошқалардан обрўси баландми?! Балки, бу партиянинг халқчил, адолатпарварлиги, буйруқбозлик ва ҳукмронлик кўринишидан тамомила йироқлиги мени ўзига жалб этгандир!..

Хуллас, шу пайтга қадар бирор-бир партияга, ҳатто собиқ КПССга ҳам аъзо бўлмасам-да, ўз эътиқод ва ишончим билан ХДПга кирдим. Аниқроғи, партия билан ҳақли равишда фахрланаман. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида танилишида, унинг бозор муносабатларига дадил кириб боришида, озод юртнинг ўз истиқлол мафкураси яратилишида Халқ демократик партиясининг ҳиссаси ниҳоятда катта. Бу партия бугунги кунда ўз сафига кўплаб ташаббускор, бунёдкор ёшларни бирлаштирган эканми, демак, унга бўлган садоқатимизни, меҳнатда намоён этмоғимиз керак.

Мен байрамолди шу кунларда партиядош ҳамкасбларим Қ. Йўлдошев, Ш. Сатторовлар билан ўзаро беллашиб, ҳар куни икки-уч ҳиссадан иш бажаряпман. Шуниси қувончлики, партиямизнинг икки йиллигига пухта тараддуд кўрилаётган кунларда биз йиллик шахсий режаларимизни ошириб бажариб, янги 1994 йилнинг биринчи чораги учун меҳнат қиляпмиз. Бу ҳам ХДПга бўлган ишончимиз, ҳурматимиз намунасидир.

**Сувон ҲАМРОЕВ,**
**Навоий «Автойўлдавлатконцерн»ига қарашли йўл ва кўприк қурилиши бош бошқармаси ишчиси.**

## МАСЛАКДОШЛАРИМГА АЙТАДИГАН ГАПИМ БОР

**Ўзимни таништирай. «Истара» жамоа хўжалигининг Оқжар қишлоғида яшайман. 83 ёшимда Халқ демократик партиясига кириш учун ариза бердим. Нима сабабдан, деб сўрарсиз.**

**Бу саволга жавобни ёзаверсам бир китоб бўлади. Лекин гапни мухтасар қилиб шундай дейман: аввало, руҳиятимнинг бардамлиги учун, фарзандларимнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топиб кетгани учун яратганга шукр дейман. Қарасамки, уч ўғлим Халқ демократик партиясининг аъзоси. Бири туман кенгашида йўриқчи, яна бири бригадир. Йўриқчи ўғлим бригадир акаси аъзоларингиздан иккита-учтасини сафингизга тортинг. Кўнглингиз янада тўқроқ бўлиб ишлайсиз, деб қолди. Суриштирсам кенгашнинг ишлари дуруст. Қадам олишлари дадил. Нуфузлари, обрўлари жойида. Лекин кўнгил янада тўқроқ бўлиб ишлаганга нима етсин.**

**Бугун айримлар пашшадан фил ясашади. Ишдан кўзи қўрқадиганлар қийинчиликлар кўпайиб кетди, деб ваҳима кўтаришмоқчи бўлишади. Қийинчиликнинг нималигини, қийинчилик қандай бўлишини ҳозирги ваҳимагўйлар бизлардан сўрашсин. Иншоолло, биз кўрган азоблар эндигиларнинг бошига тушмасин.**

**Ўғилларимнинг суҳбатидан сўнг мен шу гапларни хаёлимдан ўтказдим ва «Мени партияга қабул қилинглар. Мустақиллик йўлида, халқ фаровонлиги йўлида белни маҳкам боғлабсизларми, бардам бўлинглар, деб турармиз», дедим.**

**Партиянинг Дастурини, Низомини ўғлим менга ўқиб берди. Мақсад аниқ. Партиядошларимга айтадиган гапим шуки, ғайрат қилиб ишлаш керак. Элнинг дарду-ташвишларини елкага олиш лозим. Юрт учун тўғри, ҳалол ишлаш керак. Ахир, Оллоҳ тўғри йўлдан юрганлар билан биргадир.**

**Мамаражаб АБДУШУКУРОВ,**
**Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани.**

БУ ПАРТИЯ ЎЗ ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДЕМОКРАТИК АНЪАНАЛАРИГА, ХАЛҚНИНГ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИГА, АДОЛАТ, ЭЗГУЛИК, ТЕНГЛИК ВА ИНСОН ШАХСИ ЭРКИНЛИГИ КАБИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҲАМДА ИДЕАЛЛАРГА, АХЛОҚИЙЛИК ВА ОДАМИЙЛИК ҚОИДАЛАРИГА СУЯНАДИ.

Ислом КАРИМОВ.

## ТЎҒРИ ИШ ҚИЛДИМ

ХДП сафига партия ташкил этилган кундан қарийб бир йил ўтгач кирдим. Иккиланиб юришимнинг боиси бор эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Дўстларимдан бири коммунистлигимни пеш қилиб, менинг устимдан кулди. Бу нарса дилимга жуда оғир ботганди. Чиндан ҳам айрим партия аъзолари ўз номларига доғ туширганлари рост. Порахўрлар ҳам, расмиятчилар ҳам, ҳаром-ҳалолнинг фарқига бормайдиганлар ҳам оз эмасди. Бу иллат юқоридан то қуйи партия ташкилотларигача етиб борганди. Хайриятки, Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб, уни дунё таниди. Халқ демократик партияси тузилди. Унинг омма ўртасида обрў-эътибори орта борди. Иккиланишимга асос қолмаганди. Бу партиянинг Дастури ва Низоми ҳаётийлиги билан Компартия Низоми ва Дастуридан бутунлай фарқ қиларди. Айниқса, динимизга йўл очилгани, қадриятларимизнинг қайта тикланиб улуғланаётгани, Ўзбекистон халқи даҳлсизлиги таъминланаётгани эртанги кунга бўлган ишончни янада оширди.

Партияга кириб адашмадим, дилим ёришди. Инсон жамият ташвишидан узоқ яшай олмас экан. Партия сафига кириб, жуда тўғри иш қилганимга эндиликда иқрор бўляпман.

Партия сафига ҳалол, садоқатли кишиларни қабул қилиб, тўғри қилишяпти. Бундан буён ҳам шундай бўлсин. Истагим шуки, орамизга амалпарастлик, порахўрлик, қариндош-уруғчилик каби ярамас иллатлар сира-сира яқин йўламасин.

**Т. ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Учқўрғон шаҳар шифохонаси ҳакими.**

## МУНОСИБ БЎЛИШГА ИНТИЛЯПМАН

**Оддий деҳқон фарзандиман. Иш фаолиятимни 1973 йилда Муборак газни қайта ишлаш заводида ёрдамчи темирчиликдан бошлаганман. Ҳозир ҳам шу касбдаман.**

**Юртбошимиз И. А. Каримов олиб бораётган сиёсат кўплар қатори мени ҳам партия сафига илҳомлантирди. Шу йил январь ойида Муборак газни қайта ишлаш заводи бошланғич партия ташкилотига ариза ёздим, мени қабул қилишди.**

**Кейинги пайтда вилоят ва туманимизда ҳам ХДП ташкилотлари обрўси ошмоқда. Чунки бизнинг партиямиз буйруқбозликка асосланмаган. Низоми ва Дастури доирасида ишлаётир. Омманинг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш билан кўпроқ шуғулланяпти.**

**Шу йил июнь ойида 224-Муборак сайлов округидан ўрни бўшаб қолган Ўзбекистон Республикаси халқ депутати ўрнига Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси номзодимни кўрсатган эди. Сайловолди бўлиб ўтган тадбирларда туманимиз партия кенгаши ва унинг фаоллари, барча партиядош дўстларим мени қўллаб-қувватладилар. 98 фоиз овоз билан ноибликка сайландим. Албатта, буни ХДП аъзоларининг ҳурмат-эътибори, деб ҳисоблайман.**

**Ўзбекистон ХДПдан мамнунман. Барча куч-ғайратимни партия ишига сарфлайман.**

**Қобил МЎМИНОВ,**
**Муборак газни қайта ишлаш заводи темирчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.**

# БЮРОДА ҲИСОБ БЕРДИ

**Амударё тумани партия кенгаши ижроия бюросида район депутати, ХДП аъзоси, «Агротаълимот тузатиш» корхонаси директори С. Давлетбоевнинг «Ўз депутатлик бурчини, Президент Фармонларини бажаришдаги шахсий ҳиссаси ҳамда партиянинг обрўсини ошириш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисида»ги ҳисоботи тингланди.**

С. Давлетбоев депутат сифатида сайловчилар томонидан берилган наказларни бажаришда сидқидилдан хизмат қилмоқда. Биринчи навбатда у ўзи сайланган сайлов округи ҳудудидаги муаммоларни ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилаётир. Аҳоли табиий газ билан таъминланди. Водопровод минораси қурилиб, ишга туширилди. Қирқ икки оилага шахсий иморат қуриш учун 3,8 гектардан ер ажратиб берилди. 2,1 километр йўл асфальт қилинди. Бир ўқитувчи ва бир шифокор бепул турар-жой билан таъминланди.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликларга қарамасдан Қипчоқ посёлкасини ободонлаштиришда, ишсизларни иш билан таъминлашда, қишни намунали ўтказишда С. Давлетбоев фаол иштирок этмоқда.

С. Давлетбоев Ўзбекистон ХДП Амударё тумани Кенгаши аъзоси. У раҳбарлик қилаётган корхонада 230 киши ишлайди. Корхонада бошланғич партия ташкилоти сафини кенгайтиришга жиддий эътибор бериш керакка ўхшайди. Чунки, ўтган бир йил ичида бирон киши партия сафига қабул қилинмаган. Муҳокамада ана шулар хусусида ҳам гап борди.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

# БАЙРАМ КАЙФИЯТИ

Собир Раҳимов тумани партия кенгаши пойтахтимиздаги энг йирик партия ташкилотларидан биридир. Тўқсон саккизта бошланғич партия ташкилотини ўз ичига олган туман кенгашида 2560 нафар партия аъзоси бор. Кейинги пайтда туман фирқа фаоллари кўпроқ халқ ичида бўлиб, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилиб қўйишган.

Куни кеча туман кенгашида ХДПнинг икки йиллигига бағишланган шодиёнага фахрийлар ва партиянинг бошқа жонкуярлари, фаоллар таклиф этилди. Учрашувни туман партия кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат Асомов очди ва йиғилганларни байрам билан муборакбод этди. Шундан сўнг сўзга чиққан туман ҳокими Ҳотам Абдураимов, Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Шоқосим Шоисломов, партия фахрийси Аҳмад Гораев қисқа муддат ичида Ўзбекистон ХДП ўз обрўсини халқ ўртасида топиб, етакчи кучга айланганлигини таъкидлашди.

Бир пиёла чой устидаги учрашувда бир гуруҳ партия фаоллари, фахрийларига тўн кийгизилди. Уларга шаҳар ва туман партия кенгашларининг фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари топширилди.

Байрам муносабати билан ёзилган дастурхонга ош тортилди. Туман маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ижросидаги мумтоз қўшиқлар, 24-болалар уйининг «Кичкинтой» болалар дастаси чиқишлари барчага хуш кайфият бахш этди.

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ.**




**Фотомухбиримиз Абдувоҳид Тўраев олган суратларда Собир Раҳимов туманида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг икки йиллигига бағишланган байрамолди шодиёналари акс эттирилган.**

*

Булунғур тумани Матлубот жамиятининг 91206—916250 сонли лимитли дафтарчаси ҳамда шу жамият томонидан ИБРАГИМОВА Зумрад номига берилган 1545, 1546 сонли ишонч қоғозлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

*

• БОҚИЙ ШАЖАРА

# ПАРФИЯ

## (МИЛОДДАН ОЛДИНГИ БИРИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК)

БЕШИНЧИ МАҚОЛА

Парфия минтақамизнинг қадимги тарихий вилоятларидан бири саналиб, Атрек ҳамда Гўргон дарёлари юқори ҳавзасида жойлашган (Жанубий Туркманистон, шимоли-шарқий Эроннинг бир қисми). «Овесто»да Ахура Мазданинг бешинчи бўлиб Нисайа ўлкасини яратгани ҳақида сўзлар бор. Нисайанинг ҳозирда Ашгабат яқинидаги харобалари сақланиб қолган кўҳна Нисо шаҳри — Парфиянинг дастлабки маркази билан боғлиқлигини шубҳа остига олмаса ҳам бўлади.

Парфиянинг милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмидаги аҳволи тўғрисида аниқ фикр айтиш қийин. Зеро, бу масалада маълумотлар жуда оз. Шу билан бирга мавжуд маълумотлар асосида баъзи бир мантиқий хулосалар чиқариш мумкин. Чунончи, Помпей Трог скифлар (саклар, шаклар) ҳақида сўзларкан, «улар Парфия ва Бақтрияга асос солганлар» деб ёзади. Бошқа бир жойда эса юнонлик тарихчи яна Парфия хусусида тўхталиб, «парфияликлар... (аслида) қачонлардир скифлар орасидан бадарға қилинганлардандир; уларнинг номи (яъни, Парфия — А. З.) бунга ишора, зеро скифлар тилида (бу ном) бадарға қилинганларни англатади».

Ктесий осуриялик Нин ҳарбий юришлари ҳақида баён этиб, у парфияликларни ҳам бўйсундирган, дейди. Афтидан осурияликларнинг милоддан аввалги 1-минг йилликнинг VIII аср бошларида Мидияга қарши юришларида Парфияга ҳам бостириб кирганлар. Парфия — Мидия муносабатларига тўхталсак, мидиялик ҳукмдор Киаксар (Увахшатра) ҳукмронлик йилларида (милоддан аввалги 625—584 йиллар) Парфия Мидияга бўйсундирилган. Бироқ кўп ҳам ўтмай, тахминан сўнгги мидиялик ҳукмдор Астиаг (милоддан аввалги 584—550 йиллар) даврида Парфия Мидия тобелигидан чиқади ва юнон тарихчиси тили билан айтганда парфияликлар «ўз юртларини шакларга топширадилар». Шунда Мидия ва шаклар (Хоразм?) ўртасида жанг бошланади. Охир-оқибатда ҳарбий сулҳ ва иттифоқ тузилади. Шунга кўра Парфия яна Мидия таъсир доирасига тортилади. Аммо тез орада Мидия давлати қулайди ва табиий равишда Парфия яна мустақиллигини тиклайди. Умуман олганда эса Парфия шимолдаги Хоразм давлати манфаатлари доирасида бўлиб келгани шубҳасиз. Унинг бу доирада бўлиш-бўлмаслиги Хоразм сиёсий кучларининг маълум даврлардаги мавқе ва қудратига боғлиқ бўлиб келганлигига ҳам шак йўқ.

Милоддан аввалги VI аср иккинчи ярмида Парфия Аҳамонийлар қўл остига тушади ва салтанатнинг XVI округи таркибига киритилади. Шунга қарамай парфияликлар тажовузкорларга қарши курашни тўхтатмайдилар. Чунончи, Доро I (милоддан аввалги 522—486 йиллар) ҳукмронлиги дастлабки йилида Парфияда озодлик ҳаракатлари авж олади. Бу вақтда Парфияни Доронинг отаси Виштасп бошқариб турарди. Халқ қўзғолони бир неча ой давом этади. Виштасп ҳеч нарса қила олмайди. Доро эса Бобилдаги халқ қўзғолонини бостириш билан банд эди. Фақат милоддан аввалги 521-йилга келиб Доро томонидан юборилган катта кучга суянган ҳолда Виштасп парфияликлар қаршилигини енгишга эришади. Беҳистон ёзувларига кўра ҳал қилувчи жанг милоддан аввалги 521-йил 12 июлда рўй берган.

Милоддан аввалги IV аср 30-йилларининг сўнггидаёқ Парфия навбатдаги тажовузкор Искандар тобелигига тушиб қолади. Энди Парфияни Искандар ноиби Андрагора бошқара бошлайди.

Македонияликларнинг Парфия устидан ҳукмронлиги Искандар ўлими билан боғлиқ сиёсий ўзгаришлардан сўнг ҳам тўхтагани йўқ, ҳисоб. Чунончи, милоддан аввалги IV аср сўнгги ўн йиллигидан бошлаб Парфия Салавкийлар таъсирига тушади. Бундай ҳолат милоддан аввалги III аср ўрталарига қадар давом этади. Тахминан шу даврда парфияликлар Салавкийлар тобелигидан озод бўладилар. Бунга доир маълумотларни биз қадимги юнон ва арман манбаларидаги гувоҳликлардан билиб олишимиз мумкин. Хусусан, асли келиб чиқиши шакларнинг дай қабилаларидан бўлмиш, Тажан дарёси бўйларида яшовчи парна уруғи сардори Аршак Салавкийларнинг Парфиядаги ноибини ағдариб ҳокимиятни ўз қўлига олади. Шу тариқа Аршакийлар сиёсий сулоласига асос солинади. Парфияда тартиб ўрнатиш иши Аршак бўйнига тушган бўлса, унинг ўлимидан сўнг укаси Тиридат қўшни Гиркания ҳамда Эроннинг бир қисмини ўз таъсир доирасига тортишга эришди. Тиридат мустаҳкам қалъалар барпо этиш, қўшинни ҳар жиҳатдан кучайтириш тадбирларига катта эътибор берди. Унинг бу соҳаларда кўплаб саъй-ҳаракатларининг сабаби маркази Сурияда бўлган Салавкийларнинг қудрати ҳануз сақланиб қолаётганида эди. Ҳақиқатан, Тиридат ўлимидан кейин (милоддан аввалги 211-йил) Парфия тахтини унинг укаси Артабан II эгаллаб турган даврда Салавкий ҳукмдори Антиох III жуда катта қўшин билан (юнонлик Помпей Трог ёзишича 100 минг пиёда, 20 минг отлиқ бошчилигида) Парфияга юриш қилади. Парфияликларнинг матонатли қаршилигига қарамай рақиб қўли баланд келиб, охир-оқибатда ўзаро иттифоқ тузилади. Аммо бу ҳолат узоққа чўзилгани йўқ. Антиох III ўлимидан сўнг Салавкийлар қудрати заифлаша бошлайди. Бундан усталик билан фойдаланган навбатдаги Аршакий ҳукмдор Митридат I (милоддан аввалги 171—138-йиллар) Парфия давлатини мустаҳкамлабгина қолмай, балки Мидия, Месопатамия (ал-Жазира)ни ҳам ўз тобелигига қаратади. Митридат II (милоддан аввалги 123—87-йиллар) ҳукмронлиги даврида Парфия кучқудрати янада ошди. Чунончи, у ҳатто Салавкий ҳукмдори Деметрий III ни қўлга туширишга муваффақ бўлади. Бу Салавкийлар сиёсий фаолиятига чек қўйиб, энди тўғридан-тўғри Рим салтанати билан рақобатлашиш йўлига кириш, дегани эди. Ҳақиқатан, Ород II (милоддан аввалги 55—38-йиллар) даврига келиб римликлар Парфияга қарши ҳарбий юриш уюштирадилар. Милоддан аввалги 53-йили шимолий Месопатамиядаги Карри шаҳри яқинида икки томон ўртасида тўқнашув содир бўлади. Хоразмликларнинг ҳарбий тактикасини ишга солган парфияликлар римликларга қақшатқич зарба берадилар. Шундан сўнг ташаббусни қўлга олиб улар бирин-кетин Сурия, Кичик Осиё ҳамда Фаластин каби юртларни ҳам бўйсундиришга эришадилар. Худди шу вақтларда Парфия пойтахти Дажла дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Ктесифон шаҳрига кўчирилади. Бошқача айтганда борган сари асли Парфия Аршакийлар салтанатининг бир чекка ўлкасига айлана боради. Шу сабабдан ҳам милодий III аср 20-йилларигача бўлган даврда салтанат ҳаётида кечган асосий сиёсий воқеалар кўпроқ Ғарбий Эрон ва Месопотамия билан боғлиқ бўлган. Ана шу даврда Марғиена Парфия салтанати таркибидан чиққан, Гиркания эса бўйин товламаслик йўлига ўтиб номигагина қарам эди. Иккинчи томондан римликлар вақти-вақти билан Ктесифон томон ҳарбий юришлар уюштириб турганлар. Хуллас, милодий 224-йили Эрондаги Сосонийлар сулоласидан бўлмиш Ардашир I Папокон сўнгги аршакий ҳукмдор Артабан Vни енггач Аршакийлар сиёсий фаолиятига ҳам чек қўйилади. Агарда Парфия давлатининг сиёсий тарихига хулоса қиладиган бўлсак, фикримизча юнонлик Помпей Трогнинг қуйидаги сўзларини келтириш кифоя: «(парфияликларнинг) шон-шарафи қачонлардир донғи кетган Осурия, Мидия, Форс ва минг шаҳарлар ўлкаси Бақтрия орасида юксакликка кўтарилишлари билан белгиланади». Ҳақиқатан, ғарбий чегаралари Европага туташган, қудратли Римнинг тинкасини қуритган Парфия салтанати фаолияти ўз давридаёқ муносиб қадрланган эди.

Энди Парфиянинг давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти масалаларига келсак, қадимдан қолган бир қатор ёзма ҳужжатлар бу борада тасаввуримизни бойитишга ёрдам бериши мумкин.

Парфия давлати тепасида олий ҳукмдор турган. У албатта Аршакийлар хонадонидан бўлиши шарт ҳисобланган. Шу билан бирга давлат бошқарувида икки кенгаш: зодагонлар ва коҳинлар кенгашлари роли ҳам катта бўлган. Чунончи, янги ҳукмдор худди шу икки кенгаш иштирокида сайланган. Албатта, бунда марҳум ҳукмдорнинг васияти эътиборга олинган. Бошқача айтганда тахтга ворислик бир сулола ичида кечсада аммо муайян тартиб бўлмаган, яъни ўтган ҳукмдор ўрнини унинг ўғли ё укаси, ё бўлмаса Аршакийлар сулоласининг бирон-бир намояндаси эгаллаган. Афтидан, бу борада кенгашларнинг мавқеи кучли бўлган. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, ҳужжатларга кўра икки кенгаш олий ҳукмдорни тахтдан четлаштиришга қодир ҳисобланган. Аршакийлар салтанатни мулкларга (сатрапияларга) бўлиб идора этганлар. Шу билан бирга барча мулкларнинг мавқеи бир хилда бўлмаганини таъкидлаш лозим. Чунончи, Гиркания, Сеистон (Сакастан, Шакистон) ярим мустақил мулк сифатида ўз пулларини зарб этиб келганлар. Шу каби аҳволни Месопотамиядаги баъзи бир шаҳарлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Қадимги ёзма манбалар гувоҳлик беришича, Парфияда ўтроқ ҳаёт кечирилиб, деҳқончилик билан жиддий равишда шуғулланилган. Хитойлик муаллифлар парфияликларнинг шоли, буғдой етиштиришлари, узумзорларга ишлов бериб вино тайёрлашлари ҳақида ёзиб кетганлар. Буни қадимги Нисо шаҳри ўрнидан топилган ёзма ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Уларга кўра ҳар бир сатрапияда турли соҳага алоқадор хўжаликлар мавжуд бўлиб, улар муайян тарзда давлат хазинасига солиқ тўлаб турганлар. Ишланадиган ерлар бир неча поғонага бўлиниб, улардан олинадиган солиқлар ҳам турлича бўлган. Солиқлар асосан маҳсулот сифатида, қисман пул билан қабул қилинган. Масалан, узум етиштирувчи хўжаликлар пойтахтга (яъни Нисо пойтахт бўлиб турган вақтларда) вино юборганлар. Маҳсулот катта-катта хумларда сақланиб уларнинг умумий ҳажми ярим миллион литрдан ортиқ бўлган. Шуниси қизиқки, ана шу вино сақланувчи омборлардан топилган ёзма ҳужжатларда винонинг ҳажми, узум етиштирилган жойнинг номи, винонинг нави, уни келтирган шахснинг номи, мансабига доир қимматли маълумотлар ўз аксини топган. Мантиқан хулоса қилиш мумкинки, Парфияда иш юритиш, хўжалик тутишнинг турли соҳаларида ўша пайтларда қатъий ҳисоб-китоб тартиби жорий этилган. Демак, уларга тегишли муассаса, ташкилотлар тизими фаолият кўрсатган.

Қурувчилик меъморчилик борасида ҳам парфияликларнинг тажрибаси диққатга сазовордир. Улар шаҳарлар, қалъалар, муҳташам бинолар барпо этишда ўз замоналарида машҳур эдилар. Хитойлик муаллифларнинг кўрсатиб ўтишларича Парфияда юзлаб катта-кичик шаҳарлар мавжуд бўлган. Албатта, бу ерда Парфия салтанатининг юксакликка кўтарилган даврларидаги аҳвол назарда тутилган бўлиши керак. Аммо бу каби маълумотлар асли Парфия имкониятларини ҳеч бир ерга урмай, аксинча улардаги тараққиётдан билвосита бўлса ҳам гувоҳлик беради.

Парфиялик савдогарлар фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Манбаларда ёзилишича, улар қуруқлик ҳамда денгиз орқали турли ўлкалар билан савдо алоқаларини олиб борганлар. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Парфия салтанати Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги ўзига хос иқтисодий-савдо кўприги сифатида таниқли бўлган.

Парфияликлар ҳайкалтарошлик, заргарлик соҳаларида моҳир ҳисобланганлар. Тилга олганимиз қадимги Нисо шаҳри ўрнидан топилган ашёлар — мармардан ишланган ҳайкаллар фикримиз далили бўла олади. Улар юксак санъат асари ҳамда маълум маънода салтанат бойлиги, кўрки сифатида подшоҳ қароргоҳидаги алоҳида жойда сақланган.

Парфия маданий ҳаётида юнонликлар таъсири сезиларли бўлган. Бир неча аср юнонликлар тобелигида ва яна беш юз йилча улар билан яқиндан муносабатда бўлган парфияликлар учун бу табиий ҳол. Шунинг учун ҳам археологларимиз топган ашёларда ҳам маҳаллий руҳ, ҳам юнон маданияти таъсири сезилиб туради. Чунончи, маҳаллий услубда фил суягидан тайёрланган, ўн икки олимпия худоси тасвири билан безатилган ритон фикримиз далилидир. Фараз қилиш мумкинки, қадимги Юнонистонда кенг тарқалган Олимпия ўйинлари маълум даражада ўлкада ҳам ўз қизиқувчиларига эга бўлган. Узоқ-яқиндаги халқлар маданиятида мавжуд илғор анъаналарга эътибор парфияликларда нақадар катта бўлганини Плутарх ёзма гувоҳликларидан ҳам билиш мумкин. Хусусан, унинг ёзишича, парфиялик ҳарбийлар Карри яқинида римликларни мағлубиятга учратиб хушхабар билан ҳукмдорлари Ород ҳузурига келганларида у юнонлик Еврипиднинг (милоддан аввалги V аср) машҳур «Вакханки» фожиасини томоша қилиб ўтирган экан. Кези келганда эслатиш лозимки, Еврипид асарларидаги қатор лавҳалар ўлкамизда топилган қадимги ашёлар—санъат намуналарида ўз аксини топган.

Парфияликлар ўз ёзувларига эга бўлганлар. Аниқроқ айтганда, ўша даврларда кенг тарқалган оромий хатидан фойдаланган ҳолда гап, сўз тузилишининг ўзларига хос тартибини жорий этиб келганлар.

Аҳоли диний қарашларида зардуштийлик ўз мавқеини сақлаб қолган. Шу билан бирга эзгулик ва ёруғлик худоси Митра, юнон, яҳудий динларига сиғиниш ҳоллари ҳам учраб турган.

Бир-икки оғиз сўз Парфия давлатининг ташқи—элчилик алоқалари тўғрисида. Гарчи Парфия салтанати Ғарбда Рим империяси билан мухолифатда бўлиб келган ҳисоблансада, лекин дунёнинг бошқа мамлакатлари билан сиёсий, элчилик алоқалари мунтазам равишда йўлга қўйиб келинган. Хусусан, хитойлик манбаларда Хитой ҳукмдори махсус элчиларининг Аршакийлар даргоҳида бўлгани тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Элчиларни шарқий чегарада 20000 парфиялик отлиқ кутиб олган ва ҳукмдорлари фармонига кўра то пойтахтгача бўлган масофада уларга ҳамроҳлик қилганлар. Бу бир томондан, Парфия ҳукмдорларининг Хитой элчилари ва улар орқали Хитойга бўлган эътиборларидан дарак берса, иккинчи томондан билвосита Аршакийлар саройида қабул қилинган элчилик алоқаларига оид маълум бир тартиблар мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Хитойлик элчилар қайтар чоғи Парфия ҳукмдори элчилари билан йўлга чиқиб, Хитойга етиб келгач бу ерлик ҳукмдорга аршакийлар юборган совға-саломларни тақдим этган эканлар.

**Азамат ЗИЁ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.**

• *Тақдир чорраҳаларида*

# «ШУКР ҚИЛГИН, БОЛАМ...»

Отабой ака агар ҳаёт бўлганларида юз ёшга тўлган бўлардилар. Лекин муҳими, у киши эслашга арзийдиган инсон...

Панжакент туманида туғилиб ўсган. Отабой Султон ўғли ота-онасининг ниятига кўра Бухородаги олий диний мактабда таҳсил кўрди. Султон ака ўз фарзандининг ўқимишли, маърифатли бўлишини истарди. Шундай бўлди ҳам. Фақат...

1925 йилда Бухоро диний мактабини битириб келган Отабой масжидга мударрис эмас, балки вилоят судига раис этиб тайинланди. Қисқа муддат ичида одил қози сифатида халқ ўртасида обрў қозонди. Суд мажлиси давомида шариат қоидалари эмас, балки янги қонун асосида иш кўриш ниҳоятда оғир эканлиги барчага маълум.

— Отам жуда кўп китоб ўқирдилар, — дея эслайди Саъдулла Султонов. — Уйда ҳеч ҳам овозини баландлатиб гапирмасдилар.

Саъдулла менга отасидан қолган бир ҳужжатни кўрсатди. Унда шундай жумлалар бор экан. «Отабой Султонов ҳақиқатдан ҳам Панжакент вилоят ижроия қўмитаси президиумининг қарорига кўра вилоят судининг раиси этиб тайинланган. Шунинг учун ҳамма совет идоралари, масъул ходимлар юклатилган вазифаларни бажаришда унга кўмаклашишлари керак».

Надоматлар бўлсинким, беш йил ўтгач, унинг тақдири алғов-далғов бўлиб кетди. Отабой ака ҳам қатағон тегирмонига тушди. Хуллас, отангнинг ери бўлган, ўзинг диний мактабда ўқигансан, дейишди. Аввал партиядан ўчиришди, кейинчалик вазифасидан бўшатишди.

— Бағри кенг Самарқанд биздан ҳам мурувватини аямади, — дейди 128-автокорхона касаба уюшма қўмитаси раиси Ғайбулла Султонов. — Отам ҳалол меҳнат қилиб бизни боқдилар. Уйдан одам аримасди. Чунки падари бузрукворимизда табиблик қобилияти ҳам бор эди. Ҳар гапнинг бирида «Борига шукр қилинглар, болаларим» дердилар.

...Бир куни Отабой ака ишдан қайтса, дарвозаси олдида жажжигина қизалоқ совуқдан титраб йиғлаб ўтирибди. Оёқларидан нам ўтиб кетган, лаблари кўм-кўк. Бағрига босдию, қизчани уйига олиб кирди. Шу-шу бу қизча Шарифа Султоновлар хонадонининг аъзосига айланди.

Очиғи, мен Отабой аканинг фарзандларини яхши биламан. Барчаси, меҳнаткаш, одамохун кишилар. Эллик нафардан зиёд невара, чеваралари бор. Қайсисининг хонадонига бормай, уй тўрида Отабой аканинг сурати осиғлиқ туради.

**Иван СИДОРЕНКО,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийси.**

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

# ХАЛҚАРО КЎЗГУ

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ТАЛАБИ

**● Жанубий Корея ҳукумати Россия ҳарбий кемалари Япония денгизига ташлаётган радиоактив чиқиндилар ва унинг атроф-муҳитга таъсири ҳақидаги аниқ маълумотларни айтишни Япониядан талаб қилди.**

Ренхап ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Жанубий Корея Япония ва Россия билан ҳамкорликда текширув ишларини амалга оширишни таклиф қилган.

## АМЕРИКА МАЪМУРИЯТИНИНГ НУҚТАИ-НАЗАРИ

**● Америка маъмурияти Кубада демократик ислоҳотлар ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш билан боғлиқ масалалар ҳал этилмагунча бу мамлакат билан муносабатларни яхшилаш борасидаги ҳар қандай имкониятни рад этди.**

АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси А. Уотсон журналистларга шуни маълум қилди.

## САФАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**● Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг Марказий Осиё ва Озарбойжон мамлакатларига ташрифи давом этмоқда.**

У 27 октябрь куни Озарбойжонга келди. Эрон Президенти бу ерда узоқ вақтдан бери давом этаётган Арманистон—Озарбойжон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш йўлларини ҳам муҳокама қилади.

## «ХЕЦ» КОМПЛЕКСИ СИНАБ КЎРИЛДИ

**● Исроил ракеталарга қарши «Хец» комплексини олтинчи марта синаб кўрди.**

Синов муваффақиятли ўтди. Бу тадбир АҚШнинг бевосита молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида амалга оширилмоқда. Август ойида «Хец» комплекси Исроил ҳарбий кемасидан отилган «Скад» туркумидаги ракетаўлжани уриб туширолмаган эди. Эндиликда Америка янги синовлар учун яна маблағ ажратишини маълум қилди.

«Хец» мудофаа комплекси айрим араб мамлакатларида мавжуд. Синовлар ана шу хавфнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилмоқда, деб хабар беради, Итим ахборот маҳкамаси.

## БОШ ВАЗИРНИНГ ФАРМОНЛАРИ

**● Покистон Бош вазири Беназир Бхутто қасамёд этгач, дастлабки фармонларини эълон қилди.**

Ф. Легхари мамлакат ташқи ишлар вазири этиб тайинланди. Мудофаа вазири лавозими эса А. Миранига насиб этди. Миллий ассамблеянинг қуйи палатаси депутатлари олдида сўзлаган янги Бош вазир мамлакатда кечаётган оғир иқтисодий бўҳрон тез кунларда бартараф этилишига умид билдирди. «Бунинг учун тайинланаётган янги раҳбар ўз соҳасини пухта билиши, ватанпарвар бўлиши талаб этилади», деди у.

## ЭҲТИЁТКОРЛИК ЗАРАР ҚИЛМАЙДИ

**● Хитой ҳукумати кўп йиллардан буён Далай-Ламанинг исёнкорлик фаолияти билан чиқиша олмай келади.**

Тибетлик машҳур файласуфнинг Парижга ташрифи Франция ҳукуматини Хитой олдида ноқулай аҳволга солиб қўйди. Мамлакат раҳбарлари Хитой билан муносабатлар бузилиб қолмаслиги учун Далай-Ламанинг расман қабул қилиш ҳақидаги илтимосини рад этди.

## ШАРТЛАР БУЗИЛДИ

**● Исроил ҳукумати қамоқхоналарда сақланаётган 12 минг фаластинлик маҳбусдан 760 нафарини озод этди.**

Фаластин Озодлик ташкилоти Исроилнинг бу тадбирини ўзаро имзоланган шартномани қўпол равишда бузиш, деб баҳоламоқда. Чунки. шартномада маҳбусларнинг ҳаммаси озод этилиши қайд қилинган эди.

**[Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди].**

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

• *Муштарий мактуби*

# ҚАЧОН «ДЎСТЛИК» БЎЛАДИ?

1992 йил август ойида Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг 25 йиллиги нишонланар экан, муҳим хушхабар — Совет туманига Дўстлик номи берилганлиги эълон қилинганди. Бироқ, ҳозиргача ҳужжатларда «Дўстлик» тумани кўринмайди. Йўл белгиларида ҳам ўзгаришлар йўқ. Аслида кўпмиллатли бу туманга «Дўстлик» номи жуда ярашади. Туман қачон ҳақиқий дўстлик номини олади?

**З. АБДУЛЛАЕВА,**
**Совет тумани, 2-кичик туман, 2-уйда яшовчи фуқаро.**

# КАРБИД ЦЕХИ ИШГА ТУШДИ

**Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ва сув йўлларини таъмирлаш трестининг Қамашидаги Амир Темур номли кичик корхонасида карбит ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.**

Бу маҳсулот ҳозиргача Россия Федерациясидан катта қийинчилик билан олиб келинар эди. Цехда бир ойда беш—олти тонна сифатли карбит ишлаб чиқарилади.

**М. КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Жиззах вилоят мева-сабзавот тайёрлаш ва сотиш уюшмаси 1992 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ташкил этилганди. Ўшандан бери кўплаб маҳсулот республикамиздан ташқарига чиқарилиб, ўрнига халқимиз учун зарур бўлган буюмлар келтирилди. Ўтган йилнинг ўзида 1 миллион 190 минг сўмлик маҳсулот Кемероводан мол айирбошлаш усулида олиб келинди. Бу йил эса Брянск шаҳридаги шериклар билан ҳамкорлик қилиниб, уларга 100 тоннадан зиёд қовун жўнатилди.**



**СУРАТДА: (чапдан) уюшма ходимларидан Р. Элмуродов, А. Отамуродов, Т. Эргашев, уюшма бош директори И. Худоёров ва тайёрловчи Ш. Раҳматов.**

**Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.**

• *Акс-садо*

# ҲАЁНИНГ НАРХИ... ҚЎЛИМИЗДА

**(«Ўзбекистон овози» «Ҳаёнинг нархи... қанча?» 25 сентябрь).**

Бундай ўйлаб қарасак, санъатсиз яшай олмаймиз. Шундай экан, санъатни турмушимизга мослаштиришимиз керакка ўхшайди. Назаримда, бу мақола худди шу мақсадда ёзилган.

Яқинда Самарқандга таниқли хонандалардан бири ташриф буюрди. Қўлида тор, ёнида доирачиси, гармончиси. Тўйда хизмат қилишди. Микрофоннинг овози ўртамиёна. Бирам маза қилдикки, ўтирганлар бир-бири билан бемалол суҳбатлашишади. «Боракансиз-ку ака», деб юборишди меҳмонлар.

Овоз кучайтиргични меъёрида ишлатса, санъат асбобларини камайтирса ҳам бўлар экан-ку. Нега энди биз оқшомдан саҳаргача «бакабум-банг»га тоқат қилишимиз керак.

Яна бир гап. Хўш, маданиятли санъатдан аввалом-бор ким манфаатдор? Менимча, маданият бошқармалари, маданият уйлари. Чунки, санъатнинг уволсавоби ҳам ўшаларнинг гарданида. Хўш, нима учун энди ҳокимият ёки милиция иккита отарчининг орқасидан қувиши керак? Зарур бўлса бу ишни маданият бошқармалари ходимлари тартибга солишсин. Менинг фикрим шу.

Умуман, мустақил давлатнинг ўз миллий санъати ҳақида бирон бир низомми, қонунми, бўлиши керак деб ўйлайман. Чунки халқнинг маънавиятини, савиясини белгилайдиган бу мезонни эътиборсиз, ўз йўлига қолдириб бўлмайди.

**Гулноза ЭРГАШЕВА,**
**«Шарқ» агрофирмаси ходими.**
**Самарқанд шаҳри.**

# ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси марказий девонида республика Бош прокурори ўринбосари С. Мирсафоев раислигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И .Каримовнинг шу йил 9 октябрида халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган «Ватан, эл манфаати — муқаддасдир» мавзуидаги нутқи атрофлича муҳокама қилинди.**

**Йиғилишда республика прокуратураси органларининг Президент И. Каримов маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари ҳамда унда таъкидланган нуқсонларни бартараф этиш, ишга муносабатни ўзгартириш борасида кенг кўламли тадбир ишлаб чиқиш ва амалга оширишга зудлик билан киришиш хусусида тегишли қарор қабул қилинди. Прокуратура ходимлари орасида касбий ва маънавий муҳитни соғломлаштиришга, қонун устиворлигини талаб даражасида таъминлашга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.**

